


Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз! | “Маданият карвони” пахта далаларида теримчилар билан учрашди



Туманга пойтахтдан ташриф буюрган бир гуруҳ олим ва шоирлар, қўшиқчи санъаткорлар, театр ва кино арбобларидан иборат “Маданият карвони” “Намуна” маҳалласидаги пахта далаларининг бирида теримчилар билан учрашув ўтказишди.

Теримчиларнинг кайфиятларини кўтариш ва маданий хордиқ олишларини ташкил этиш мақсадида пахта даласи бўйича ташкил этилган учрашувда санъаткорлар томонидан жонли ижрода қўшиқлар куйланди ҳамда сўз усталари ва актёрлар теримчилар билан дилдан суҳбатлар қилишди.

